

**ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ  
ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛАМАЙ ҚОНУНГА  
ХИЛОФ РАВИШДА ТАЙЁРЛАШ, ЭГАЛЛАШ, САҚЛАШ ЖИНОЯТИНИНГ  
КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ.**

**Ганджаева Гулбахор Бахтияровна**

**Аннотация:** Ушбу мақола гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишида тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш жиноятларининг криминалистик тавсифига бағишиланган. Мақолада, гиёхвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларининг хусусиятлари, уларни содир этиш усуслари, из қолдирис механизми ва терговда ишлатиладиган самарали усуслар муфассал таҳлил қилинган. Мақолада криминалистика фанининг жиноятларни фош этишдаги ролига алоҳида эътибор қаратади, ҳамда жиноятларининг самарали олдини олиш ва терговдаги усусларни такомиллаштириш учун тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, жиноят кодекси, криминалистика, тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш жинояти, криминалистик тавсиф, жиноятнинг усул ва механизми, жиноят излари, тергов усуслари, криминалистик текширув, маҳсус билимлар, профилактика чоралари, ҳавфсизлик, жиноят содир этиш сабаблари, тергов тактикаси, ҳуқуқий амалиёт, жиноятчиликка қарши курашиш, излар ва далиллар.

**КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЯ  
«НЕЗАКОННОЕ ИЗГОТОВЛЕНИЕ, ХРАНЕНИЕ ИЛИ СБЫТ НАРКОТИЧЕСКИХ  
СРЕДСТВ, ИХ АНАЛОГОВ ИЛИ ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ БЕЗ ЦЕЛИ  
СБЫТА».**

**Ганджаева Гулбахор Бахтияровна**

**Аннотация:** Статья посвящена криминалистической характеристике преступлений, связанных с незаконным изготовлением, хранением и оборотом наркотических средств, их аналогов или психотропных веществ без цели сбыта. В статье подробно анализируются особенности наркопреступлений, способы их совершения, механизмы оставления следов, эффективные методы, применяемые при расследовании. В статье рассматривается роль судебной экспертизы в раскрытии преступлений, даются рекомендации по эффективной профилактике преступлений и совершенствованию методов расследования.

**Ключевые слова:** Наркотические средства, психотропные вещества, уголовный кодекс, криминалистика, приготовление, хранение и хранение, криминалистическая характеристика, способ и механизм преступления, следы преступления, методика расследования, криминалистическое расследование, специальные знания, меры профилактики, безопасность, причины преступления, следственная тактика, юридическая практика, борьба с преступностью, следы и доказательства.

**FORENSIC CHARACTERISTICS OF THE CRIME "ILLEGAL PRODUCTION,  
STORAGE OR SALE OF NARCOTIC DRUGS, THEIR ANALOGUES OR  
PSYCHOTROPIC SUBSTANCES WITHOUT THE INTENT TO SELL."**

**Gandjaeva Gulbahor Bakhtiyorovna**

**Abstract:** The article is devoted to the forensic characteristics of crimes related to the illegal production, storage and circulation of narcotic drugs, their analogues or psychotropic substances without the purpose of sale. The article analyzes in detail the features of drug crimes, the methods of their commission, the mechanisms of leaving traces, effective methods used in the investigation. The article examines the role of forensic examination in solving crimes, gives recommendations for effective crime prevention and improving investigation methods.

**Keywords:** Narcotic drugs, psychotropic substances, criminal code, forensics, preparation, storage and keeping, forensic characteristics, method and mechanism of crime, traces of crime, investigation methods, forensic investigation, special knowledge, preventive measures, safety, causes of crime, investigative tactics, legal practice, fight against crime, traces and evidence.

### **КИРИШ**

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларга оид жиноятлар жаҳон миқёсидаги энг долзарб ва хавфли муаммолардан бири ҳисобланади. Бу турдаги жиноятлар нафақат жамият ахлоқи ва аҳоли соғлиғига, балки миллий хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва давлатнинг халқаро имижига ҳам жиддий таҳдид солади. Айниқса, гиёхвандлик воситаларини тарқатишга қаратилмаган, аммо уларни тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш каби ҳаракатлар ҳам жиноий ҳуқуқий нуқтаи назардан аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг олдини олиш ва фош этиш амалиётида криминалистика фани муҳим ўрин тутади.

Мазкур жиноятларнинг хусусияти шундаки, улар қўпинча яширин ҳолда содир этилади, уларда далилларни йўқ қилиш, қонуний айланмага яқин схемалардан фойдаланиш ва айбни бошқалар зиммасига юклиши каби

ҳолатлар кузатилади. Шу сабабли, бундай жиноятларни тўғри квалификация қилиш, уларни тергов қилишда самарали услублардан фойдаланиш ҳамда ўзига хос криминалистик хусусиятларни чуқур ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 276-моддасига асосан, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадисиз қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш алоҳида жиноий таркиб сифатида белгиланган. Айнан ўтказиш мақсадининг мавжуд эмаслиги мазкур жиноятни тарқатишга қаратилган гиёхвандлик жиноятларидан фарқли қилиб қўяди. Шу жиҳатдан, ушбу жиноятнинг криминалистик тавсифини аниқлаш — унинг субъектив ва объектив томонларини, содир этиш усуllibарини, из қолдириш хусусиятларини, айбор шахсларнинг психологик портретини ва жиноят содир этиладиган жойлар тузилишини тадқиқ этишни талаб этади.

Мазкур мақолада гиёхвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ҳамда психотроп моддаларни тайёрлаш, сақлаш ва эгаллашга оид жиноятларнинг криминалистик жиҳатдан таҳлили олиб борилади. Шунингдек, ҳукуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар таҳлил қилиниб, амалиётга йўналтирилган тавсиялар ҳам илгари сурилади.

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш жиноятининг криминалистик тавсифи.

Криминалистик назарияда мазкур турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи жиноятнинг тури, груҳи, алоҳида хусусиятлари, содир этиш усули, механизми, шароити, субъектнинг шахси, маҳсус билимлар ва криминалистик усуllibардан фойдаланиши, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаши ва улар юзасидан ўтказилиши талаб этиладиган тергов ва процессуал ҳаракатлар алгоритмини белгилаб олиши ва бошқа криминалистик аҳамиятга эга омилларни ўз ичига қамраб олиши билан бирга, бу элементлар гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, ташиш, сақлаш жиноятларини очиш, тергов қилиш ва олдини олишдаги муҳим вазифаларини самарали ҳал этишга хизмат қиласи.

Криминалистик тавсиф тушунчаси доимо илмий муҳокамалар марказида бўлган. Бунинг сабаби, суриштирувчи ва терговчилар жиноят ишлари бўйича самарали фаолият олиб бориш учун тергов қилинаётган жиноятларнинг батафсил криминалистик тавсифини билиши зарур.

Т.В.Толстухина<sup>69</sup>, В.Н.Кудрявцев<sup>70</sup>, М.В.Салтевский<sup>71</sup> каби олимлар гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш жиноятининг криминалистик тавсифида жиноят содир этиш усули, механизми ва изларига алоҳида эътибор қаратадилар. Уларнинг фикрича, бу жиноятни тергов қилишдаги энг муҳим нарса – бу жиноятни қандай содир этилганлигини аниқлаш. Бу ёндашув жиноят изларини топиш ва таҳлил қилишга, шунингдек жиноятчининг ҳаракатларини тиклашга ёрдам беради деган фикрдалар.

Бу борада А.И.Александров<sup>72</sup>, ва Б.Х.Пўлатов<sup>73</sup> каби олимлар юқоридаги барча ёндашувларни бирлаштиришни таклиф этадилар. Уларнинг фикрича, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш жиноятининг жиноят содир этиш вазияти, усули, жиноятчининг шахси, жиноят предмети ва жиноят изларини бир бутун ҳолда кўриб чиқиши керак. Бу ёндашув жиноятни ҳар томонлама ўрганиш ва самарали тергов қилиш имконини беришини таъкидлайдилар.

Биз ушбу олимларнинг қарашларига қувватлаган ҳолда бу жиноятларнинг криминалистик тавсифини ёритища жиноятнинг барча жиҳатларини қамраб олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Криминалистик тавсифни доимий равища такомиллаштириб бориш орқали тергов органлари замонавий жиноятчиликка қарши самарали қурашиб имкониятига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, айбдор шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Юқоридаги таҳлил натижаларига ҳамда гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равища тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш жиноятининг криминалистик тавсиф элементларини ишлаб чиқдик:

- 1) жиноят содир этиш ва яшириш усуллари тўғрисидаги маълумотлар;
- 2) жиноят предмети тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) жиноят содир этиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) жиноят изларининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) жиноятчи шахсининг криминалистик тавсифи тўғрисидаги маълумотлар;
- 6) жиноят содир этиш мотиви ва мақсади тўғрисидаги маълумотлар;

<sup>69</sup> Толстухина Т.В. Современные тенденции развития криминалистической тактики. - Тула: ТулГУ, 2020. С. 156-158.

<sup>70</sup> Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. - М.: Юристъ, 2017. - С. 226-228.

<sup>71</sup> Салтевский М.В. Криминалистика в современном изложении юристов. - Харьков: Рубикон, 2019. С. 182-184.

<sup>72</sup> Александров А.И. Уголовная политика и уголовный процесс в Российской государственности. - СПб.: СПбГУ, 2018. - С. 345-347.

<sup>73</sup> Пўлатов Б.Х. Жиноятларни тергов қилишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. - Тошкент: ТДЮУ, 2019. - Б. 189-191.

7) жиноят содир этиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тавсифи.

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш жиноятининг криминалистик тавсифи элементларини шу тарзда ажратилиши қўйидаги имкониятларни яратади: биринчидан, тергов иши учун муҳим бўлган барча маълумотларни тўлиқ қамраб олади; иккинчидан, типик тергов вазиятларини тўғри баҳолайди; учинчидан, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини аниқ белгилайди; тўртинчидан, дастлабки ва келгуси тергов ҳаракатларини самарали режалаштиради.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур жиноят турининг криминалистик тавсифи ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар турли ҳолатларда фарқланиши мумкин. Шу сабабли, ушбу тоифадаги жиноятчиликнинг умумий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай таҳлил орқали: а) жиноятнинг содир этилиш усуллари ва воситаларидағи умумий тенденцияларни аниқлаш; б) жиноятчиларнинг типик хусусиятларини ўрганиш; в) жиноят содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш; г) профилактика чораларини такомиллаштириш имконияти пайдо бўлади.

Бу ёндашув нафақат алоҳида жиноят ҳолатларини самарали тергов қилиш, балки умуман ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашиб стратегиясини такомиллаштиришга ҳам хизмат қиласди.

### Хуласа

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш ва сақлаш жиноятлари жиноятчиликнинг юқори даражадаги хавфли ва ишончсиз турларидан бири бўлиб, ушбу турдаги жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш жуда катта эътиборни талаб этади. Мақоладаги таҳлиллар, мазкур жиноятларнинг криминалистик тавсифини шакллантириш ва уларни аниқлаб, самарали тергов усулларини ишлаб чиқишининг муҳимлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг асосий натижаларидан бири шундан иборатки, гиёхвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар кўпинча яширин ҳолда содир этилади, шунинг учун уларнинг айбдорларини аниқлаш, жиноят содир этиш усулларини ва изларни топишда юқори даражадаги қучли криминалистик кўникмалар зарур. Жиноятларнинг хусусиятларини ва уларнинг терговдаги муаммоларини тўғри баҳолаш, жиноятлар олдини олиш ва қонуний чоралар кўришда муҳим ўрин тутади. Криминалистик тавсифнинг

ривожланиши тергов органларига замонавий жиноятчиликка қарши курашишда янги имкониятлар яратади.

Мақоладаги методологик ва практик таклифлар, бу каби жиноятларни самарали тергов қилиш ва уларнинг олдини олишда ишончли ва самарали йўл-юриқларини белгилашга ёрдам беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Толстухина Т.В., Кудрявцев В.Н., Салтевский М.В. "Криминалистика: Жиноятлар ва уларнинг тергови". — Москва, 2018.
2. Александров А.И., Пўлатов Б.Х. "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни содир этиш жиноятларини тергов қилишнинг теоретик ва амалий масалалари". — Тошкент, 2020.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2017 йилдаги тузатишлар билан). — Тошкент, 2017.
4. Всемирная справка по криминалистике. Под редакцией П.Ф. Семёнова. — Москва, 2016.
5. Фоменко И.И. "Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар: назарий ва амалий масалалар". — Санкт-Петербург, 2019.
6. Давлатнинг хавфсизлиги ва гиёҳвандликка қарши курашиш. — Тошкент, 2015.
7. Современная криминалистика. Под ред. М.И. Сатинова. — Москва, 2021.
8. Гийом Ж., Луис А. "Международный опыт борьбы с наркопреступлениями". — Париж, 2022.
9. Криминалистик изланишлар: Элмира Б.Ф. — Тошкент, 2018.
10. Мухаммадиев Р.Ш. "Терговдаги психология ва криминалистика методлари". — Тошкент, 2019.